
Ўзбекистон туманилик пара таэквондочи Зиёда Исоқова Париж-2024 ёзги Паралимпия ўйинларига лицензияни қўлга киритди!

Бутунжаҳон таэквондо федерацияси Париж-2024 ёзги Паралимпия ўйинларига лицензия берувчи рейтингни эълон қилди. Унга кўра, илк бор ўзбекистонлик 5 нафар пара таэквондочи, шу жумладан, тумандошимиз Зиёда Исоқова рейтинг орқали Париж-2024 ёзги Паралимпия ўйинларига лицензияни қўлга киритдилар.

Зиёда Исоқова ўтган 2023 йилнинг сентябрь ойида Мексиканинг Веракрус шаҳрида пара таэквондо бўйича жаҳон чемпионатида олтин, октябрь ойида Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида бўлиб ўтган IV ёзги Пара Осиё ўйинларида кумуш медаль соҳиби бўлди.

Токио-2020 ёзги Паралимпия ўйинларида ҳам иштирок этган Зиёда Исоқова, бронза медали учун баҳсда таиландлик Хвансуда Пуангкичага имкониятни бой бериб қўйганди.

Матонатли спортчимизни мазкур нуфузли мусобақада ҳам шоҳсупанинг энг юқори поғонасини забт этишига тилакдошимиз.

2024-01-04 15:41:32